БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ҚП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 211 (702)

26 ОКТЯБРЬ ЖУМА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Яшасин коммунизм қураётган улуғ совет халқи!

Яшасин коммунизм қуриш учун курашда совет халқини илҳомлантирувчи ва раҳбарлик қилувчи улуғ куч— Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг

Ч А Қ И Р И Қ Л А Р И

1. Яшасин Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 39 йиллиги!

2. Тинчлик учун, демократия учун, социализм учун курашаётган барча халқларга қардошлик саломи!

3. Бутун дунё меҳнаткашлари! Урушнинг олдини олиш мумкин ва лозим! Уруш хавфига қарши, тинчлик ва халқлар ўртасида ҳамкорлик учун кураш байроғини баланд кўтарайлик!

4. Бутун дунё меҳнаткашлари! Қурол-яроғларни ва қуролли кучларни камайтиришга эришингиз! Атом, водород қуролларини ва бошқа ялпи қирғин қуролларини тақиқлашни талаб қилингиз! Атом энергияси инсониятнинг тинч тараққиётига хизмат қилсин!

5. Тинчлик учун, демократия ва халқлар мустақиллиги учун курашда меҳнаткашларнинг бирдамлиги, коммунистлар, социалистлар ва барча прогрессив кучлар ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамлансин!

6. Совет Иттифоқи ва халқ демократияси мамлакатларининг меҳнаткашлари! Социализм лагеридаги мамлакатларнинг улуғ ҳамкорлигини ҳормай-толмай мустаҳкамлангиз, мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги қардошларча дўстликни ривожлантирингиз ва мустаҳкамлангиз!

7. Уз мамлакатида муваффақиятли суратда социализм қураётган улуғ Хитой халқига қардошлик саломи!

Яшасин Хитой Халқ Республикаси! Бутун дунёда тинчликнинг қудратли фактори бўлган совет ва хитой халқларининг бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги яшасин!

8. Халқ хўжалигини ва маданиятни янада юксалтириш учун, халқ фаровонлигини тўхтовсиз ошириш учун, тинчлик учун ва социализм қуриш учун фидокорона курашаётган Польша Халқ Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик саломи!

Яшасин совет ва поляк халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

9. Халқ хўжалигини ва маданиятни янада юксалтириш учун, халқ фаровонлигини тўхтовсиз ошириш учун, тинчлик учун ва социализм қуриш учун фидокорона курашаётган Чехословакия Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик саломи!

Яшасин совет ва чехословак халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

10. Халқ хўжалигини ва маданиятни янада юксалтириш учун, халқ фаровонлигини тўхтовсиз ошириш учун, тинчлик учун ва социализм қуриш учун фидокорона курашаётган Венгрия Халқ Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик саломи!

Яшасин совет ва венгер халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

11. Халқ хўжалигини ва маданиятни янада юксалтириш учун, халқ фаровонлигини тўхтовсиз ошириш учун, тинчлик учун ва социализм қуриш учун фидокорона курашаётган Руминия Халқ Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик саломи!

Яшасин совет ва румин халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

12. Халқ хўжалигини ва маданиятни янада юксалтириш учун, халқ фаровонлигини тўхтовсиз ошириш учун, тинчлик учун ва социализм қуруш учун фидокорона курашаётган Болгария Халқ Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик саломи!

Яшасин совет ва болгар халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

13. Халқ хўжалигини ва маданиятни янада юксалтириш учун, халқ фаровонлигини тўхтовсиз ошириш учун, тинчлик учун ва социализм қуриш учун фидокорона курашаётган Албания Халқ Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик саломи!

Яшасин совет ва албан халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

14. Халқ хўжалигини ва маданиятни янада юксалтириш учун, халқ фаровонлигини тўхтовсиз ошириш учун, тинчлик учун ва социализм қуриш учун фидокорона курашаётган Мўғулистон Халқ Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик саломи!

Яшасин совет ва мўғул халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

15. Социализм қураётган Югославия Федератив Халқ Республикасининг халқларига қардошлик саломи! Яшасин Совет Иттифоқи билан Югославия халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

16. Халқ хўжалигини тиклаш ва янада ривожлантириш учун, тинчлик учун ва ўз мамлакатини демократик асосларда миллий бирлаштириш учун курашаётган Корея Халқ Демократик Республикасининг қаҳрамон халқига қардошлик саломи!

17. Халқ хўжалигини тиклаш ва янада ривожлантириш учун, тинчлик учун, ўз мамлакатини демократик асосларда миллий бирлаштириш учун курашаётган Вьетнам Демократик Республикасининг қаҳрамон халқига қардошлик саломи!

18. Милитаризмнинг қайтадан тикланишига қарши, ҳар иккала герман давлатини яқинлаштирмоқ учун, тинч, демократик асосда ўз Ватанини бирлаштирмоқ учун курашаётган бутун Германия тинчликсевар кучларининг таянчи бўлган Германия Демократик Республикаси яшасин!

Европада тинчлик манфаатлари учун герман ва совет халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамлансин ва ривожлансин!

19. Ўз Ватанини тараққий эттириш учун, Осиёда ва бутун дунёда тинчлик учун курашаётган улуғ ҳинд халқига қардошлик саломи! Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамлансин ва ривожлансин!

20. Тинчлик учун ва ўз миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган Индонезия ва Бирма халқларига қардошлик саломи! Совет Иттифоқи халқлари билан Индонезия ва Бирма халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамлансин!

21. Уз Ватанининг суверенитети ва мустақиллигини мардонавор ҳимоя қилаётган миср халқига қизғин салом!

22. Англия, Америка Қўшма Штатлари, Франция ва Совет Иттифоқи халқларининг халқаро кескинликни юмшатиш ва давлатларнинг тинч-тотув яшаши учун, бутун дунёда мустаҳкам тинчликни таъминлаш учун курашдаги дўстлиги ва ҳамкорлиги яшасин!

23. Совет Иттифоқи ва Италия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамлансин!

24. Совет Иттифоқи билан Финляндия Республикаси ўртасидаги тенг ҳуқуқлиликка, ўзаро ишончга ва халқларни ҳурматлашга асосланган дўстлик ва ҳамкорлик яшасин!

25. Совет Иттифоқи билан Швеция, Норвегия, Дания, Исландия ўртасидаги дўстона муносабатлар мустаҳкамлансин ва ривожлансин!

26. Яшасин Совет Иттифоқи халқлари билан бетараф, мустақил ва демократик Австрия халқи ўртасидаги Европада тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлидаги дўстлик ва ҳамкорлик!

27. Милитаризмнинг қайта тикланишига қарши, ўз мамлакатининг тинч, демократик ва мустақил тараққиёти учун мардонавор курашаётган япон халқига салом!

28. Мустамлака зулмининг кишанларини улоқтириб ташлаган, тинчлик, эркинлик ва ўз миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган Осиё ва Африка халқларига қизғин салом!

29. Империалистик зулмга қарши, ўз эркинлиги ва миллий мустақиллиги учун курашаётган мустамлака ва қарам мамлакатларнинг халқларига салом!

30. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча ташқи сиёсати — турли ижтимоий системалардаги давлатларнинг тинч-тотув яшашини таъминловчи сиёсат, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, ҳамма мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш сиёсати!

31. Совет Армияси ва Флотининг жангчилари! Ҳарбий ва сиёсий билимларингизни сабот билан оширингиз, ҳозирги замон жанговар техникасини ва қуролларини эгаллангиз, ҳушёрликни ва жанговар тайёргарликни оширингиз!

Яшасин тинчликнинг ва Ватанимиз хавфсизлигининг посбони, ғалабалар билан шуҳрат қозонган шавкатли Совет Қуролли Кучлари!

32. Яшасин ва мустаҳкамлансин совет тузумининг бузилмас негизи бўлган ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг ишчилар синфи раҳбарлигидаги иттифоқи!

33. Яшасин ва яшнасин кўп миллатли социалистик давлатимиз куч ва қудратининг манбаи — Совет Иттифоқи халқларининг қардошларча дўстлиги!

34. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Коммунистик партия ва Совет ҳукумати теварагига тағин ҳам зич бўлиб жипслашайлик, бутун кучимизни ва ижодий ғайратимизни коммунистик жамият қуришдан иборат буюк ишга сафарбар қилайлик!

35. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Партия XX съездининг олтинчи беш йиллик план юзасидан Директивалари коммунизм қуришни давом эттиришнинг, халқ хўжалигини тағин ҳам кенг миқёсда юксалтиришнинг, совет халқи фаровонлигини оширишнинг жанговар программасидир. Олтинчи беш йилликни муваффақиятли бажариш учун умумхалқ курашини авж олдирайлик!

36. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ҳар бир корхона, ҳар бир қурилиш, ҳар бир колхоз ва совхоз ҳамда ҳар бир МТСнинг олтинчи беш йиллик биринчи йили планини бажаришига эришайлик!

37. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Партия ва Ҳукуматнинг бутун халқ хўжалигини янада юксалтириш, халқнинг моддий ва маданий фаровонлигини ошириш, Ватанимиз қудратини ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш асоси бўлган оғир саноатни устун даражада ривожлантиришга қаратилган сиёсатини қунт билан амалга оширингиз!

38. Социалистик саноат ходимлари! Техникани тараққий эттириш ва меҳнат унумдорлигини бутун чоралар билан ошириш учун курашингиз! Ватанимиз ва чет эл фани ҳамда техникасининг энг янги муваффақиятларини, корхоналарнинг илғор тажрибаларини ишлаб чиқаришга жорий қилингиз!

39. Ишчилар, инженерлар ва техниклар, мастерлар! Меҳнатнинг ва ишлаб чиқаришнинг ташкил қилинишини яхшиланг из, меҳнат интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлангиз, корхоналарнинг бир меёрда ишлашини таъминлангиз! Иқтисодий тежаш учун курашингиз, маҳсулотнинг сифатини яхшиланг из таннархини камайтирингиз!

40. Совет металлургия ишлаб чиқаришнинг техникаси ва технологиясини такомиллаштирингиз, руда чиқаришни, сифатли металл ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кўпайтирингиз! Кон-руда корхоналари ва металлургия заводлари қурилишини тезлатингиз! Халқ хўжалигига чўян, пўлат, прокат, рангли ва нодир металларни кўпроқ берайлик!

41. Кўмир саноатининг ходимлари! Ишлаб чиқариш планларини тўла ва ошириб бажариш учун курашингиз, кўмир чиқаришнинг ва кўмирни бойитишнинг илғор методларини жорий қилингиз, техникадан фойдаланишни яхшилангиз! Янги шахталар ва разрезларни, шахтёрлар учун уй-жойларни тезроқ қурингиз! Халқ хўжалигига кўпроқ кўмир берайлик!

42. Нефть ва газ саноатининг ходимлари! Нефть ва газ чиқариш ва уларни қайта ишлашнинг тез суръатлар билан ўсишини таъминлангиз! Нефть қудуқларини пармалаш тезлигини оширингиз ва унинг таннархини камайтирингиз! Мамлакатга юқори сифатли нефть, газ ва нефть маҳсулотларини кўпроқ берайлик!

43. Совет энергетиклари, электростанциялар ва электр шохобчаларининг қурувчилари ва монтажчилари! Янги энергетика қувватларини тезроқ ишга туширингиз ва ўзлаштирингиз! Қурилиш ишларининг сифатини яхшилангиз ва қийматини пасайтирингиз! Мамлакатга кўпроқ электр қуввати берайлик!

44. Машинасозлик ва асбобсозлик корхоналарининг ишчилари, инженерлари ва техниклари! Ғоят унумли ишлайдиган асбоб ва ускуналарнинг янги турларини тезроқ яратингиз ва ўзлаштирингиз! Халқ хўжалигини илғор техника билан таъминлаш учун қунт билан курашингиз! Иш процессларини комплекс автоматлаштириш ва механизациялашни кенг жорий қилингиз!

45. Оғир машинасозлик ходимлари! Ғоят унумли ишлайдиган замонавий прокат станларини, кон-руда, домна, пўлат эритиш ва нефть ускуналарини кўпроқ ишлаб чиқарингиз! Мамлакатдаги электростанциялар учун янги кучли пар турбинлари ва гидравлик турбинларни ва пар қозонларини тезликда яратингиз!

46. Электротехника ва радиотехника саноати ишчилари, инженерлари ва техниклари! Ускуналар, аппаратлар, асбобларнинг энг янги турларини ва бошқа буюмларни юқори сифатли қилиб кўпроқ ишлаб чиқарингиз!

47. Химия саноатининг ходимлари! Янги технология процессларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилингиз, техникадан ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшиланг из! Химия маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз ва уларнинг хилларини оширингиз!

48. Совет геологлари! Ватанимизнинг бойликларини тез қидириб топингиз, темир, кўмир, нефть, газ, рангли ва нодир металларнинг янги конларини очингиз!

49. Совет бинокорлари! Янги саноат корхоналарини, совхозларни, машина-трактор станцияларини, уй-жой биноларини, мактаблар, касалхоналар, болалар муассасаларини ва маданий муассасаларни қуриш суръатларини тезлатингиз ва сифатини яхшилангиз!

Қурилишнинг муддатларини қисқартиришга ва қийматини пасайтиришга эришингиз!

50. Бинокорлик материаллари саноати ходимлари! Ватанимиздаги қурилишлар учун цемент, йиғма темир-бетон буюмлар ва бошқа бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз ҳамда уларнинг сифатини яхшилангиз!

51. Ўрмон, ёғочсозлик ва қоғоз саноатининг ходимлари! Ишлаб чиқариш қувватларини тез суръатлар билан оширингиз! Машиналар ва механизмлардан тўла фойдаланингиз, меҳнат унумдорлигини оширингиз! Мамлакатга ёғоч ва тахталарни, юқори сифатли қоғоз ва мебелларни кўпроқ берайлик!

52. Енгил саноат ва тўқимачилик саноатининг ходимлари! Товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз ва уларнинг хилларини оширингиз! Аҳоли учун пишиқ ва чиройлик газламаларни, яхши кийим-кечакларни, пишиқ ва нафис пойафзал ҳамда бошқа товарларни кўпроқ берайлик!

53. Озиқ-овқат товарлари саноати ходимлари! Овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кенгайтирингиз ва уларнинг сифатини яхшилангиз! Аҳоли учун қанд-шакар, ёғ, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни кўпроқ берингиз!

54. Балиқ саноати ходимлари! Балиқ овлашни ва балиқ маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз! Ишлаб чиқаришни яхши ташкил қилингиз! Маҳсулотнинг сифатини яхшилангиз ва таннархини камайтирингиз! Балиқ овлашга ва балиқ запасларини сақлашга катта эътибор берингиз!

55. Колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари! КПСС XX съездининг тарихий қарорларини муддатидан илгари амалга ошириш учун, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларини кескин юксалтириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборайлик! Аҳоли учун кўпроқ дон, гўшт, сут, жун ва бошқа маҳсулотлар ҳамда саноат учун кўпроқ хомашё берайлик!

56. Қишлоқ хўжалик ходимлари! Бутун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асоси бўлган дон хўжалигини янада юксалтириш учун курашингиз! Ғалланинг ҳар йилги ялпи ҳосилини 11 миллиард пудга етказайлик!

57. Партия ва Ҳукуматнинг мамлакатга дон етиштириб беришни кўпайтириш ҳақидаги топшириқларини муваффақиятли бажараётган қўриқ ерлардаги меҳнаткашларга шон-шарафлар бўлсин!

58. Колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари! Жамоат чорвачилигини ҳар томонлама ривожлантирингиз ва чорва молларнинг маҳсулдорлигини оширингиз! Мамлакатга чорвачилик маҳсулотларини кўпроқ берайлик!

59. Колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари! Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг маданиятини оширингиз, фан муваффақиятларини ва илғорларнинг тажрибаларини колхозларда ва совхозларда кенг жорий қилингиз!

Қишлоқ хўжалик ишларига яроқли ерларнинг ҳар 100 гектарига ҳисоблаганда меҳнат ва маблағларни энг кам сарфлаган ҳолда, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари олишни кўпайтирайлик!

60. Қишлоқ хўжалик ходимлари! Меҳнат унумдорлигини бутун чоралар билан оширишга муваффақ бўлингиз! Техникадан тўла фойдаланиш учун, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида комплекс механизацияни ва электрлаштиришни жорий қилиш учун қунт билан курашингиз!

61. Колхозчилар! Колхоз ишлаб чиқаришини ташкил этишда ва артель ишларини бошқаришда кўпроқ ижодий ташаббус кўрсатингиз, меҳнат интизомини мустаҳкамлангиз, меҳнат унумдорлигини оширингиз! Колхозларнинг жамоат хўжалигини ҳар томонлама ривожлантиришни таъминлайлик!

62. Машина-трактор станцияларининг ходимлари! Тракторларни, комбайнларни ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ўз вақтида ва сифатли ремонт қилиш учун курашингиз! 1957 йилги қишлоқ хўжалик ишларини муваффақиятли ўтказишга тайёрланингиз!

63. Совхозларнинг ходимлари! Ер майдонларидан яхшироқ фойдаланингиз, далаларнинг ҳосилдорлигини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини оширингиз! Ишлаб чиқаришни ташкил этишни ва техникадан фойдаланишни яхшилангиз! Ҳамма совхозларни намунали корхоналарга, кўп товар маҳсулот берадиган ва рентабелли корхоналарга айлантирайлик!

64. Маҳаллий саноат ва ҳунармандчилик кооперацияси ходимлари! Халқ истеъмол қиладиган товарлар, хўжалик-рўзғор буюмлари ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз! Маҳаллий хомашёдан яхшироқ фойдаланингиз, маҳсулотнинг сифатини оширингиз ва таннархини камайтирингиз! Маиший хизмат кўрсатадиган корхоналар сонини кўпайтирингиз ва уларнинг ишларини яхшилангиз!

65. Давлат ва кооператив савдоси ва умумий овқатланиш ходимлари! Совет истеъмолчиларига хизмат кўрсатишнинг юксак маданияти учун курашингиз! Меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини тўла қондирингиз!

66. Темир йўл транспорти ходимлари! Юкларни тўхтовсиз ташиб беришни таъминлангиз! Пассажирларга хизмат кўрсатишни яхшиланг из! Электровозларни ва тепловозларни кенг жорий қилингиз, транспортда механизация ва автоматизация даражасини оширингиз! Темир йўлларнинг қиш шароитида пухта ишлаши учун курашингиз!

67. Денгиз ва дарё флоти ходимлари! Юкларни ташиб беришни кўпайтирингиз, пассажирларга хизмат кўрсатишни яхшиланг из! Янги техникани ҳамда флот ва портлардан фойдаланишнинг илғор методларини дадиллик билан жорий қилингиз! Флотни 1957 йил навигациясига намунали тайёрлашни таъмин этайлик!

68. Автомобиль транспорти ва тош йўллар ходимлари! Юкларни ташиб беришни кўпайтирингиз! Пассажирларга хизмат кўрсатишни яхшиланг из! Автомобиллардан унумли фойдаланиш ва юк ташиш таннархини камайтириш учун курашингиз! Йўлларни намунали тартибда сақлангиз, янги йўллар қуришни кенгайтирингиз!

69. Алоқа ходимлари! Алоқа воситаларини ҳормай-толмай ривожлантирингиз ва такомиллаштирингиз! Почта, телеграф, телефон, радио, телевидениенинг нуқсонсиз ишлашига эришингиз! Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшиланг из!

70. Совет муассасаларининг ходимлари! Совет давлати аппаратининг ишларида ленинча принципларга риоя қилиниши учун, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш учун курашингиз, бюрократизмни ва сансалорликни қатъий равишда тугатингиз, меҳнаткашларнинг талабларига ва эҳтиёжларига сезгирлик билан қарангиз!

71. Илмий-текшириш муассасалари ва олий ўқув юртларининг ходимлари! Совет фанини ижодий равишда ривожлантирингиз, мутахассислар тайёрлашни яхшиланг из, мамлакатимиз техникасини тараққий эттиришда фаннинг ролини оширингиз!

72. Совет адабиёти ва санъати ходимлари! Адабиёт ва санъатнинг юксак ғоявийлиги учун курашингиз, бадиий маҳоратингизни ҳормай-толмай такомиллаштирингиз! Улуғ халқимизга муносиб асарлар яратингиз!

73. Халқ маорифи ходимлари! Болаларни ўқитиш ва тарбиялаш сифатини оширингиз, мактабларни политехниклаш учун курашингиз! Болаларни Совет Ватанига муҳаббат ва садоқат руҳида, халқлар ўртасида дўстлик руҳида тарбиялангиз!

Социалистик жамиятнинг билимдон, маданиятли ва меҳнатсевар гражданларини, коммунизмнинг актив қурувчиларини тайёрлангиз!

74. Медицина ходимлари! Халқ соғлигини сақлаш ишларини яхшиланг из ва ривожлантирингиз, даволаш ва санитария муассасаларининг ишларида маданиятни оширингиз! Медицина фанининг муваффақиятларини практикага жорий қилингиз!

75. Совет касаба союзлари! Меҳнат унумдорлигини ошириш учун, олтинчи беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақаси байроғини баланд кўтарингиз!

Ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибаларини ёйингиз! Ишчи ва хизматчиларнинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини янада кўтариш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилингиз! Ишчиларнинг йиғилишларидан, ишлаб чиқариш кенгашларидан, хўжалик ходимларининг активларидан ва ишлаб чиқаришни бошқаришда ишчиларни қатнаштиришнинг бошқа формаларидан кенг фойдаланингиз!

Яшасин коммунизм мактаби бўлган совет касаба союзлари!

76. Совет хотин-қизлари! Халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида, совет халқининг бахт ва саодати учун болаларни тарбиялашдек олижаноб ишда янги муваффақиятларга эришингиз!

Яшасин коммунизмнинг актив қурувчилари бўлган совет хотин-қизлари!

77. Яшасин коммунизм қурувчи ёшларнинг илғор отряди, совет ёшларининг ташкилотчиси, Коммунистик партиянинг актив ёрдамчиси ва резерви Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи!

78. Йигитлар ва қизлар, шонли совет ёшларимиз! Хўжалик ва маданий қурилишда актив қатнашингиз! Илғор фан ва техника муваффақиятларини ўрганингиз, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билимларини эгаллангиз!

Мамлакатимизда коммунизм улуғ ишининг ғалабаси учун курашда саботли ва дадил бўлингиз!

79. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари! Билимларни қунт ва сабот билан эгаллангиз! Меҳнатсевар ва интизомли бўлингиз, ўқишда муваффақиятларга эришингиз! Мамлакатимизда коммунизмнинг актив қурувчилари бўлишга тайёрланингиз!

80. Коммунистлар ва комсомоллар! КПСС XX съездининг қарорларини бажариш учун умумхалқ курашининг олдинги сафида бўлингиз! Марксча-ленинча назарияни қунт билан эгаллангиз! Халқ хўжалигида техникани тараққий эттириш учун, меҳнат унумдорлигини ошириш учун, совет халқининг фаровонлигини тинмай ўстириш учун, СССРда коммунизм қуриш учун курашингиз!

81. Яшасин мамлакатимиз халқлари дўстлигининг қалъаси, бутун дунёда тинчликнинг мустаҳкам таянчи — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

82. Яшасин коммунизм қураётган улуғ совет халқи!

83. Яшасин коммунизм қуриш учун курашда совет халқини илҳомлантирувчи ва раҳбарлик қилувчи улуғ куч — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

84. Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

Рационализаторлар, ихтирочилар ва ишлаб чиқариш новаторлари Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчиларининг Совет Иттифоқидаги барча ишчиларга, инженер-техник ходимларга ва хизматчиларга, фан ва техника арбобларига

М У Р О Ж А А Т И

Қадрли ўртоқлар!

Биз рационализаторлар, ихтирочилар ва ишлаб чиқариш новаторларининг Москвада, Катта Кремль Саройида ўтказилган Бутуниттифоқ кенгашига умумхалқ ҳаракати гоят авж олган кунларда, Улуғ Октябрнинг 39 йиллиги арафасида тўпландик. Биз, кенгаш қатнашчилари КПСС раҳбарлиги остида мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантириш, совет кишиларининг маданияти ва моддий фаровонлигини юксалтириш соҳасида эришилган катта муваффақиятлар туфайли бутун халқ билан биргаликда ғоят қувонмоқдамиз.

Саноат ходимлари КПСС XX съезди томонидан олтинчи беш йилликда қўйилган улуғвор вазифаларни амалга ошириш учун социалистик мусобақани ривожлантириб, 1956 йилда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш тўққиз ойлик планини ошириб бажардилар ва саноат ишлаб чиқаришни ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 11 процент оширишни таъминладилар. Ишчилар, инженерлар, техниклар, мастерлар, хизматчиларнинг фидокорона меҳнати—олтинчи беш йилликнинг саноат маҳсулоти ҳажмини кўпайтириш юзасидан берган биринчи йили топшириғини тўла бажаришгагина эмас, балки ошириб бажаришга ҳам муваффақ бўлдилар.

Социалистик қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари катта муваффақиятларга эришдилар. Бу йил мўл ҳосил етиштирилди ва йиғиб-териб олинди. 10 октябргача ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан бир ярим баравар кўп галла тайёрланди. Совет кишилари қўриқ ерлардан мамлакатимиз галла омборларига бир ярим миллиард пудга яқин дон топширган меҳнаткашларнинг ватанпарварлик зафарларини ғоят миннатдорчилик билан нишонламоқдалар.

Жамоат чорвачилиги ҳам юксалиб бормоқда. Чорва моллар сони ва айниқса уларнинг маҳсулдорлиги ортиб бормоқда. Колхоз ва совхозлар ўтган уч квартал мобайнида давлатга ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 30 процент кўпроқ сут ва 20 процент кўпроқ гўшт топширдилар ва сотдилар. Бунинг натижасида саноат шаҳарлари ва ишчи посёлкаларининг меҳнаткашларини сут билан ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотлари билан таъминлаш анча яхшиланди.

Партиянинг тарихий XX съездидан бўён атиги саккиз ой ўтди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ана шу қисқа вақт ичида съезд қарорларини амалга ошира бориб, халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий турмуш даражасини янада юксалтириш соҳасида бир қанча жуда муҳим тадбирларни кўрдилар. Ишчи ва хизматчиларга давлат пенсиялари миқдорини ошириш тўғрисидаги Қонун кучга кирди; дам олиш ва байрамолди кунларида иш куни 2 соат қисқартирилди; ҳомиладорлик ва туғиш юзасидан хотинларга бериладиган отпуска муддати узайтирилди; ўсмирлар учун олти соатлик иш куни белгиланди; мактабларда ва олий ўқув юртларида ўқиш учун ҳақ тўлаш бекор қилинди; уй-жой, клуб, мактаб, касалхона, болалар муассасалари қурилиши кун сайин кенгайиб бормоқда. Кам ҳақ олаётган ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи 1957 йил 1 январдан бошлаб кўпайтирилади. Олтинчи беш йиллик мобайнида етти соатлик иш ҳам ғаровдир.

Социалистик қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари катта муваффақиятларга эришдилар. Бу йил мўл ҳосил етиштирилди ва йиғиб-териб олинди. 10 октябргача ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан бир ярим баравар кўп галла тайёрланди. Совет кишилари қўриқ ерлардан мамлакатимиз галла омборларига бир ярим миллиард пудга яқин дон топширган меҳнаткашларнинг ватанпарварлик зафарларини ғоят миннатдорчилик билан нишонламоқдалар.

Жамоат чорвачилиги ҳам юксалиб бормоқда. Чорва моллар сони ва айниқса уларнинг маҳсулдорлиги ортиб бормоқда. Колхоз ва совхозлар ўтган уч квартал мобайнида давлатга ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 30 процент кўпроқ сут ва 20 процент кўпроқ гўшт топширдилар ва сотдилар. Бунинг натижасида саноат шаҳарлари ва ишчи посёлкаларининг меҳнаткашларини сут билан ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотлари билан таъминлаш анча яхшиланди.

Партиянинг тарихий XX съездидан бўён атиги саккиз ой ўтди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ана шу қисқа вақт ичида съезд қарорларини амалга ошира бориб, халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий турмуш даражасини янада юксалтириш соҳасида бир қанча жуда муҳим тадбирларни кўрдилар. Ишчи ва хизматчиларга давлат пенсиялари миқдорини ошириш тўғрисидаги Қонун кучга кирди; дам олиш ва байрамолди кунларида иш куни 2 соат қисқартирилди; ҳомиладорлик ва туғиш юзасидан хотинларга бериладиган отпуска муддати узайтирилди; ўсмирлар учун олти соатлик иш куни белгиланди; мактабларда ва олий ўқув юртларида ўқиш учун ҳақ тўлаш бекор қилинди; уй-жой, клуб, мактаб, касалхона, болалар муассасалари қурилиши кун сайин кенгайиб бормоқда. Кам ҳақ олаётган ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи 1957 йил 1 январдан бошлаб кўпайтирилади. Олтинчи беш йиллик мобайнида етти соатлик иш ҳафтаси тўғрисида тинмай гамхўрлик қилиш—Партия фаолиятининг олий қонунидир.

Совет Иттифоқининг халқаро миқёсдаги ишлари ҳам муваффақият қозонмоқда. Совет Иттифоқи турли социал системалардаги давлатларнинг тинч-тотув яшашидан иборат ленинча сиёсатни изчиллик ва қатъият билан амалга ошириб, бошқа социалистик мамлакатлар билан маҳкам ҳамкорликда кейинги вақтларда ташқи сиёсат соҳасида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим таклифларни илгари сурди. Халқаро кескинлик анча юмшади.

Халқимизнинг Коммунистик партия раҳбарлиги остида эришган ана шу ҳамма муваффақиятлари бизни қувонтиради. Аммо биз, совет кишиларининг яхши одатимиз бор, у ҳам бўлса эришилган муваффақиятлар билан хотиржам бўлмасликдир. Бизнинг халқимиз зўр ғайрат билан ишлаб, коммунистик қурилишда янгидан-янги ғалабаларга эришмоқда.

Биз, рационализаторлар, ихтирочилар ва ишлаб чиқариш новаторлари Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчилари барча ишчиларни, инженерларни, техниклари ва хизматчиларни, фан ва техника арбобларини, рационализаторларни ва ихтирочиларни ўзларининг ижодий ишларини кучайтиришга, янги техникани вужудга келтириш, ишлаб турган машина-ускуналарни такомиллаштириш ва модернизациялаш, янги материалларни ва ишлаб чиқаришнинг янги методларини қидириб топиш учун зўр ғайрат билан кураш олиб боришга чақирамиз. Биз ишчиларни ва техника интеллигенциясини илмий кашфиётларни, техника ютуқларини, ихтироларни, такомиллаштириш ва рационализаторлик таклифларини, меҳнат новаторлари томонидан вужудга келтирилган энг қимматли ва энг илғор усулларнинг ҳаммасини ишлаб чиқаришга тез жорий қилишга чақирамиз. Ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришга доир амалий вазифаларни тезликда ҳал этиш лозим. Техника тараққиётини тезлатиш меҳнат унумдорлигини янада жиддий суратда юксалтиришни таъминлайди. Улуғ Ленин таълим бериб айтганидек, меҳнат унумдорлиги янги ижтимоий тузумнинг ғалабаси учун, коммунизмнинг ғалабаси учун пировардида энг муҳим ва энг асосий нарсадир.

Қадрли ўртоқлар! Бизнинг халқимиз кўп замонлардан буён техника соҳасидаги дадил ижодкорлиги, ихтирочилиги, ўткир зеҳнилиги билан ном чиқарган. Прогрессив инсоният ажойиб ватандошларимизнинг—рус фани ва техникасининг отоқли арбоблари М. В. Ломоносов, И. И. Ползунов, И. П. Кулибин, Н. Н. Яблочков, А. Н. Лодигин, А. С. Попов, К. Э. Циольковскийларнинг ва халқимиз орасидан чиққан бошқа кўпгина гениал олимларнинг хизматларига юксак баҳо бермоқда. Уларнинг ихтироларида техникага доир фикрларнинг чуқурлиги ва дадиллик билан илгари сурилганлиги биз учун жуда яхши намунадир.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси, мамлакатимизда қарор топган совет тузуми халқ оммасидаги истеъдодларни юксалтириш учун бутун шарт-шароитни вужудга келтирди, илм ва техника соҳасида дадил ижод қилиш учун мисли кўрилмаган кенг имконият очиб берди. Социализм, деган эди Владимир Ильич Ленин, меҳнаткашларнинг ҳақиқатан ҳам кўпчилигини ўзларини кўрсата оладиган, ўз қобилиятларини ривожлантира оладиган иш майдонига тортиш, халқ орасидаги битмас-туганмас талантларни, капитализм минглаб ва миллионлаб эзиб ва бўғиб келган талантларни рўёбга чиқариш имкониятини туғдирди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Октябрь революциясининг биринчи кунлариданоқ меҳнаткашларнинг ижодий ташаббуси ва активлигини зўр меҳрибонлик билан қўллаб-қувватлаб келмоқдалар ва ана шу ташаббус ҳамда активликни ҳар томонлама ривожлантирмоқдалар. Бунинг натижасида бизнинг мамлакатимизда халқ хўжалигининг барча соҳаларида техникани зўр бериб ривожлантираётган рационализаторлар, ихтирочилар ва ишлаб чиқариш новаторларининг оммавий ҳаракати вужудга келди, ўсди ва тобора кенгайиб бормоқда. Рационализаторлар, ихтирочилар ва ишлаб чиқариш новаторлари халқ хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётганликлари туфайли совет халқи уларни ҳурмат қилмоқда ва уларнинг ишига ҳақли суратда юксак баҳо бермоқда.

Рационализаторлар ва ихтирочилар армиясининг сафлари йил сайин ўсмоқда, новаторларнинг социалистик ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш ишига қўшаётган ҳиссалари кўпаймоқда. Бешинчи беш йиллик даврида беш миллионга яқин рационализаторлик таклифи, яъни тўртинчи беш йилликдагига нисбатан икки баравар кўпроқ рационализаторлик таклифи жорий қилинди. Новаторларнинг ижоди туфайли Совет давлати миллиард-миллиард сўмлаб маблағни тежади.

Ихтирочиларимиз ва ишлаб чиқариш новаторларимизнинг ижодий ҳаракатлари вужудга келтирган ва ишлаб чиқаришга жорий қилинган ҳамма ҳаракатлар ва ихтиролар ҳар йили ўртача ҳисобда 10 миллиард сўм ва ундан ортиқ миқдорда фойда келтирмоқда. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир соҳасида ихтиро ва рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришнинг ҳар бир соҳасида ишлаб чиқаришнинг ҳар бир соҳасида ишлаб чиқаришнинг ҳар бир соҳасида

ТЕЛЕГРАММА

МОСКВА, Берлин, 1956 йил 22 октябрь.

СССР Министрлар Советининг Раиси
Н. БУЛГАНИНГА
СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
К. ВОРОШИЛОВГА
КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари
Н. ХРУШЧЕВГА

Германия Демократик Республикасининг президенти, Германия Демократик Республикасининг Министрлар Совети ва Германия Бирлашган Социалистик Партияси Марказий Комитети Германия Демократик Республикаси ташкил этилган куннинг 7 йиллиги муносабати билан изҳор қилган самимий истакларингиз учун Сизларга ташаккур изҳор қиладилар.

Биз ташаккур билдириш билан бирга ваъда бериб айтамизки, Совет Иттифоқи халқлари билан дўстликни мустаҳкамлаш ва кучайтириш тўғрисида бундан буён ҳам доимо ғамхўрлик қиламиз.

Германия Демократик Республикасининг Президенти
ВИЛЬГЕЛЬМ ПИК.
Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг Раиси
ОТТО ГРОТЕВОЛЬ.
Германия Бирлашган Социалистик Партияси Марказий Комитетининг Биринчи Секретари
ВАЛЬТЕР УЛЬБРИХТ.

ТЕЛЕГРАММА

Берлин, 1956 йил 23 октябрь

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ташқи Ишлар Министри
Д. Т. ШЕПИЛОВГА

МОСКВА

Германия Демократик Республикаси ташкил этилганлигига 7 йил тўлганлиги муносабати билан менга юборган табрикларингиз учун Сизга чин кўнгилдан ташаккур билдираман.

Доктор Лотар БОЛЬЦ.
Германия Демократик Республикаси Ташқи Ишлар Министри.

СССР ВА БЕЛЬГИЯ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИНИНГ МУЗОКАРАЛАРИ

25 октябрда Кремлда СССР ва Бельгия ҳукумат делегацияларининг музокаралари давом этди.

Музокараларда совет томонидан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин, СССР Олий Совети Президиумининг Аъзоси Н. С. Хрушчев, СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов иштирок этдилар.

Бельгия томонидан музокараларда Бош Министр Ахилл Ван Акер, ташқи ишлар министри Поль-Анри Спаак, Ташқи ишлар министрлигининг Бош секретари Луи Шейвен ва Бельгиянинг СССРдаги элчиси Вальтер Лоридан иштирок этдилар.

Музокараларда Совет томонидан СССР Ташқи ишлар министрининг Ўринбосари В. А. Зорин СССР Ташқи ишлар министрлигининг коллегия аъзоси Л. Ф. Ильичев, СССРнинг Бельгиядаги элчиси В. И. Авилов ва СССР Ташқи ишлар министрлиги биринчи Европа бўлимининг мудири А. А. Арутюнян ҳозир бўлдилар.

Бельгия томонидан ташқи ишлар министри кабинетининг бошлиғи Робер Ротшильд, Бош Министр кабинети бошлиғининг Ўринбосари Робер Сенелль, Ташқи ишлар министрлиги Шарқий Европа бўлимининг директори Граф Шарль де Керкхове де Дентергем ва Бельгиянинг СССРдаги элчихонасининг маслаҳатчиси Андрэ Фортомм ҳозир бўлдилар.

Музокаралар вақтида Совет-Бельгия муносабатларини кенгайтириш масалалари юзасидан, шунингдек ҳар иккала томонни қизиқтирадиган айрим умумий халқаро проблемалар юзасидан очиқ ва кенг фикр олишув давом этди. (ТАСС).

Бельгия элчихонасида Бельгия бош министри Ван Акер ва Ташқи ишлар министри Спаак шарафига зиёфат

24 октябрда Бельгиянинг СССРдаги Элчиси Вальтер Лоридан Совет Иттифоқига келган Бельгия Бош Министри Ахилл Ван Акер ва Ташқи ишлар министри Поль-Анри Спаак шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда совет томонидан Н. А. Булганин, А. И. Кириченко, Н. С. Хрушчев, Д. Т. Шепилов, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси В. Т. Лацис, Ташқи савдо министри И. Г. Кабанов, СССР Маданият министри Н. А. Михайлов, Граждан ҳаво флоти Бош бошқармасининг бошлиғи С. Ф. Жаворонков, СССР Ташқи ишлар министрининг Ўринбосарлари А. А. Громико ва В. А. Зорин, СССРнинг Бельгиядаги Элчиси В. И. Авилов, СССР Ташқи ишлар министрлиги Биринчи Европа бўлимининг мудири А. А. Арутюнян, СССР Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда Бельгия Ташқи ишлар министрлигининг Бош секретари Луи Шейвен, Ташқи савдо министрлиги Бош маъмурий директори виконт Обер де Тьези, Ташқи ишлар министри кабинетининг бошлиғи Робер Ротшильд, Бош Министр кабинети бошлиғининг Ўринбосари Робер Сенелль, Ташқи ишлар министрлиги Шарқий Европа бўлимининг Директори граф Шарль де Еркхове де Дентергем, Бош министр кабинетининг секретари Ў. Сикс, Бош Министр кабинети ижтимоий масалалар бўйича маслаҳатчиси И. Лауверейис, «Сабена» авиация компаниясининг Бош директори М. Десварт, Элчихона ходимлари ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Олтой ва Красноярск ўлкалари, Чкалов, Омск, Новосибирск, Челябинск ва Саратов областлари Ленин ордени билан мукофотландилар

Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда ғоят катта ютуқлари ҳамда қўшимча мажбурият ҳам бажарилди.

Ҳозир канап ва жут поялари йиғиштириб олинган далаларда ерларни шудгорлаш қизғин давом этмоқда. Шу ерларга қўшни бўлган шолипояларда ғарамлаб қўйилган ва бир чекадан хирмонга ташлиб янчилаётган шоли давлат қабул пунктига жўнатиб турилипти. Юқори Чирчиқда борган киши канап ва жут юклаган машиналарни, пахта ортган карвонни, «Заготзерно»га шоли олиб бораётган арава ва машиналарни кўради. Районда давлатга қишлоқ хўжалик экинлари маҳсулотлари топшириш шу зайлда тез суръат билан олиб борилаётир.

Канап, жут ҳосилини оширишда рекорд натижаларга эришган «Правда», Свердлов номли колхозлар билан бир қаторда пахтадан йил сайин мўл ҳосил етиштириб келаётган Сталин номли, Андреев номли колхозлар ҳам борки, бу хўжаликларнинг аъзолари шу кунларда етиштирилган мўл ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай, тезроқ йиғиб-терib олиш ва давлат қабул пунктига етказиб бериш учун курашмоқдалар. Андреев номли колхозда бу йил ҳосил айниқса мўл бўлди. Биз колхоз пахта тайёрлаш планини бажарган куни бориб қолган эканмиз, бундай пайтда баъзи бир колхозларда: «мана, энди қойил қилиб қўйдик», деб иш бўшаштириб юборилади, лекин Андреев номли колхознинг каттадан-кичиги «план тўлди, бироқ ҳосилимизнинг анчагинаси ҳали далада, бу ўзимизнинг бойлигимиз, ерда қолиб кетмасин», деган шиорни байроқ қилиб, план тўлмаган кунлардагидан ҳам яхшироқ ишламоқда эдилар. Ҳар гектар ердан ҳозиргача 36 центнердан пахта топширган Султонбой Мирзаалиев, гектаридан 39 центнердан пахта йиғиб олган Болтабой Абдурайимов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари яна ҳар гектар ердан 8-10 центнердан пахта йиғиб оламиз, деб ҳаракат қилмоқдалар. Шу кунгача 8-9 тоннадан пахта терган чевар қизлар — Турди Раҳматуллаева, Мақсуда Мирхўжаева, Шарифа Балнанбоева, Жайсан Уролова, Ибогул Турғунбоева, Райҳон Аденовалар байрамгача яна 2-3 тонна пахта терамиз, деб олдингидан ҳам яхшироқ меҳнат қилаётирлар. Бўронбой Тожиддинов, Йўлдошбой Устапердиев, Исоқул Усмонов сингари шоферлар, Саттор Қодиров каби илдам аравакашлар тоғ дала томон, тоғ пункт томон ғизиллаган-ғизиллаган.

оммалаштиришда партия ташкилоти айниқса яхши иш олиб бормоқда. Теримнинг биринчи кунларида Убай Унгалбекова, Раҳматча Холматов ўртоқлар бошлиқ бригадалар орқада қолаётган эди. Партия ташкилоти қолоқлик сабабларини пухта ўрганиб, уни колхоз радио узели орқали қишлоққа эшиттирди, бу бригадаларнинг камчиликларини рўй-рост очиб ташлади, илғорларга етиб олиш йўлларини кўрсатиб берди.

Юқори Чирчиқ районига борганимизда канап ва жут пояси юклаган машиналар, араваларни кўрдик, шу билан бирга, пахта юклаган карвонлар ҳам кети кўринмас даражада кўп эди. Район пахтакорлари мамлакатга канап ва жут, шоли етказиб бериш билан давлат қабул пунктларига пахта карвонларини тўхтовсиз юбориб турганлари учун ҳам ҳақли суратда фахрлана оладилар!

А. МИРБОБОЕВ,
С. МАҲКАМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

Суратларда: (чапдан ўнгга) Сталин номли колхознинг теримчиси С. Раҳматчаева, Андреев номли колхознинг бригада бошлиғи С. Мирзалиев, Сталин номли колхознинг теримчиси М. Исаева, Андреев номли колхознинг теримчиси К. Болтабоев ўртоқлар. В. Салов фотолари.

ПАРТИЯ ЧАҚИРИҒИГА ЖАВОБАН, УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 39 ИЙЛЛИГИНИ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИ БАЖАРИШ БИЛАН НИШОНЛАРИЛИК!

РЕПОРТАЖ

Пахта юклаган карвонлар ўтиб борганда...

Кузнинг салқин шабадаси эсиб турипти. Дарахтлар олтин тусли япроқларини битталаб тўкаркан, яланғоч шохлар бунга ачингандек хомуш бўлиб қоларди. Осмонга булут чиқдими, деҳқон ҳаракатида шошилинч, юзида ташвиш. Ахир ҳали ҳосилнинг анчагинаси омборга киргани йўқ-да! Пахта ортилган машиналар, аравалар яна ҳам тез юраётгандек, теримчилар қўли илгаригидан кўра чаққон ҳаракат қилаётгандек... Пахталар чамандек очилган кезларда 200-300 килолаб пахта терган чеварлар ҳосилнинг учдан бир қисми қолган ҳозирги кунларда яна ҳам чаққон ҳаракат қилаётганликлари учун 2-3 нормани дўндирмоқдалар, оқ олтин ғарамларини юксалтиряптилар.

Т. Раҳматиллаева — Андреев номли колхознинг теримчиси.

Ҳозирги пайтда пахтакор районларга борсангиз, фақат бир хил манзарани — пахта териш-у қуритиш, жўнатишни кўрасиз. Биз борган районда — Юқори Чирчиқда хилма-хил кўриниш намоён бўлади. Бу ерда ерларнинг шудгор қилинаётганлиги, олтиндек товланиб турган шоли хирмонлари, канап-жут ғарамлари— бу район хўжалигида катта бойлик! Район қишлоқ хўжалиги хилма-хил. Бир колхоз пахтаси билан машҳур бўлса, иккинчиси канап-жути билан донгдор, учинчиси эса шолидан мўл ҳосил олишда илғор...

А. Болтаев — Сталин номли колхознинг бригада бошлиғи.

Луб экинлари етиштирувчи колхозлар олдин планларини, кейин социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Социалистик мажбурият тўла адо этилган куни луб экинлари етиштирувчи колхозларнинг аъзолари, яна 10 минг тонна канап ва жут пояси етказиб берамиз, дедилар. Орадан оз вақт ўтгач, бироқ ҳосилимизнинг анчагинаси ҳали далада, бу ўзимизнинг бойлигимиз, ерда қолиб кетмасин», деган шиорни байроқ қилиб, план тўлмаган кунлардагидан ҳам яхшироқ ишламоқда эдилар. Ҳар гектар ердан ҳозиргача 36 центнердан пахта топширган Султонбой Мирзаалиев, гектаридан 39 центнердан пахта йиғиб олган Болтабой Абдурайимов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари яна ҳар гектар ердан 8-10 центнердан пахта йиғиб оламиз, деб ҳаракат қилмоқдалар. Шу кунгача 8-9 тоннадан пахта терган чевар қизлар — Турди Раҳматуллаева, Мақсуда Мирхўжаева, Шарифа Балнанбоева, Жайсан Уролова, Ибогул Турғунбоева, Райҳон Аденовалар байрамгача яна 2-3 тонна пахта терамиз, деб олдингидан ҳам яхшироқ меҳнат қилаётирлар. Бўронбой Тожиддинов, Йўлдошбой Устапердиев, Исоқул Усмонов сингари шоферлар, Саттор Қодиров каби илдам аравакашлар тоғ дала томон, тоғ пункт томон ғизиллаганларини ўз кўзим билан кўрдим. Колхоз пахтасини шу Свердлов номли колхоз территориясига жойлашган қабул пунктига топширади. Юқори Чирчиқ райони билан Ўртасарой қишлоғини боғловчи катта йўлдан эртадан-кечгача машина ва аравалар қатнови тинмайди. Бу йўл ўтган йилларда ўйдим-чуқур эди. Андреев номли колхоз правлениеси шу йўлни тузатишга киришди, анча ергача қалин қилиб шағал тўкиб келиниптн. Кўча Свердлов номли колхоз территориясигача анча текис бўлиб қолипти.

Андреев номли колхоз Юқори Чирчиқдаги йирик ва юқори ҳосилли колхозлардан ҳисобланади, 730 гектар пахта майдонига эга. Бу колхознинг ўтган икки йилги иши билан танишсангиз, ҳосил тобора ошаётганлигини кўрасиз. 1954 йилда гектаридан 28 центнердан пахта олинган эди, 1955 йилда бу миқдор 30,86 центнерга етказилди. Бу йилги мақсад — ҳар гектар ердан пландаги 29 центнер ўрнига 31,7 центнердан ҳосил йиғиб олиш. Ҳосилнинг бу зайлда оширилаётганлигининг «сири» қаерда? Деҳқончиликда ишнинг сири йўқ, ҳаммаси меҳнатга, ҳаракатга боғлиқ. Бу фикрни колхоз раиси Инсофали Талаббоев ҳам тасдиқлади.

— Ерни яхши ишламай туриб, ҳосилни оширамиз деб ўйламай қўяқолинг, — дейди у. — Биз ҳар қандай шароитда ҳам олти далали алмашлаб экиш қоидасига амал қилиб келяпмиз. Бирор йил ҳам алмашлаб экишни бузганимиз йўқ. Ахир, ерни тўйдирмай туриб, фалон центнердан пахта бераман деган ғап, беҳуда ғап, баҳорда ғўза текис бўлиб кўринаверади-ю, ҳосил тарозига тушганда ернинг ориқлиги билинib қолади. Колхозимизда алмашлаб экиш билан бирга, ер экиндан бўшаши билан уни боқувга қўямиз...

Раис «ерни боқувга қўямиз», деди. Биз бунга ажабландик.

— Ерни боқувга қўямиз деганимнинг боиси, — давом этди у,— шудгордан олдин топганимизни ерга солиш. Қишлоқ хонадонларида борми, чорва фермамизда борми — ишқилиб, кучимиз етганча маҳаллий ўғит тўплаймиз, уни шудгорлашдан олдин ерга соламиз. Бундан ташқари, ҳар йили ҳам ерларимиз фосфор билан ўғитланади. Биз фосфорни илгаригидай қўл билан эмас, самолёт билан сепамиз. Ерга бир текис тушган фосфор шудгор вақтида тупроққа аралашиб, қиш ичи ерга ем бўлади..

Раиснинг айтган гаплари қуруқ ғап бўлмай, амалда исботланаётган факт экан. Мана буйга мисоллар. Илгари, «Опитний» колхозига аввал «Октябрь XIII йиллиги» колхози қўшилди. 1952 йилда Андреев номли, «Қизил ту» колхози бирлашди. Бу колхозлар «Опитний» колхозига қўшилгунча пахта ҳосили етиштириш жиҳатидан анча пастда турар эдилар. «Опитний» колхозида орттирилган тажриба бу колхозлар ерида ҳам амалга оширилди.

Андреев номли колхозда бу йил ҳосил айниқса мўл бўлди. Биз колхоз пахта тайёрлаш планини бажарган куни бориб қолган эканмиз, бундай пайтда баъзи бир колхозларда: «мана, энди қойил қилиб қўйдик», деб иш бўшаштириб юборилади, лекин Андреев номли колхознинг каттадан-кичиги «план тўлди, бироқ ҳосилимизнинг анчагинаси ҳали далада, бу ўзимизнинг бойлигимиз, ерда қолиб кетмасин», деган шиорни байроқ қилиб, план тўлмаган кунлардагидан ҳам яхшироқ ишламоқда эдилар. Ҳар гектар ердан ҳозиргача 36 центнердан пахта топширган Султонбой Мирзаалиев, гектаридан 39 центнердан пахта йиғиб олган Болтабой Абдурайимов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари яна ҳар гектар ердан 8-10 центнердан пахта йиғиб оламиз, деб ҳаракат қилмоқдалар. Шу кунгача 8-9 тоннадан пахта терган чевар қизлар — Турди Раҳматуллаева, Мақсуда Мирхўжаева, Шарифа Балнанбоева, Жайсан Уролова, Ибогул Турғунбоева, Райҳон Аденовалар байрамгача яна 2-3 тонна пахта терамиз, деб олдингидан ҳам яхшироқ меҳнат қилаётирлар. Бўронбой Тожиддинов, Йўлдошбой Устапердиев, Исоқул Усмонов сингари шоферлар, Саттор Қодиров каби илдам аравакашлар тоғ дала томон, тоғ пункт томон ғизиллаганларини ўз кўзим билан кўрдим. Колхоз пахтасини шу Свердлов номли колхоз территориясига жойлашган қабул пунктига топширади. Юқори Чирчиқ районини билан Ўртасарой қишлоғини боғловчи катта йўлдан эртадан-кечгача машина ва аравалар қатнови тинмайди. Бу йўл ўтган йилларда ўйдим-чуқур эди. Андреев номли колхоз правлениеси шу йўлни тузатишга киришди, анча ергача қалин қилиб шағал тўкиб келиниптн. Кўча Свердлов номли колхоз территориясигача анча текис бўлиб қолипти.



И. Бердиқулов — Сталин номли колхознинг бригада бошлиғи.

— План тўлгандан кейин бирданига сводкада нулга тушиб қолсак, уят бўлади-да, — дейди қайси бир колхозчи билан сўзлашсангиз. Биз бутун ҳосил батамом йиғиб-теріб олинмагунча план тўлди деб айтмаймиз.

Шу Андреев номли колхоз билан қўшни Сталин номли колхозга келганимизда кун аллавақт бўлиб қолган эди. Қўшни колхоз ўртасидаги далаларда йигит ва қизлар дастлабки қанорларни тўлгазиб уватга думалатиб қўйиптилар. Ёш аравакашлар уватдаги қоп-қанорларни юклаб, хирмонга элтмоқдалар. Ҳозиргина қорайиб турган хирмон бир пасдан кейин оппоқ пахта билан қопланиб, кўзни қамаштирарди. Бу колхоз пахтадан мўл ҳосил етиштиришда Андреев номли колхоздан устун туради, пахта майдонига келганда кичикроқ. Андреев номли колхоз аъзолари 730 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан пахта топширишга аҳд қилган бўлсалар, Сталин номли колхоз пахтакорлари 350 гектар ернинг ҳар гектаридан олинадиган ҳосилни 36 центнерга етказиш учун курашмоқдалар. Бу колхоз планни ўз қўшнисидан илгарироқ тўлгазди. Ҳозиргача ҳар гектар ердан 33 центнердан пахта йиғиб олинди. Иса Бердиқулов бошлиқ бригада шу кунгача ҳар гектар ердан 36 центнердан пахта топшириб, мусобақада олдинда кетяпти. Бу ерда гектаридан 40-42 центнердан пахта топширган звенолар кўп, Абдиали Болтаев бошлиқ звено шулардан бири.

К. Ниёзова — Андреев номли колхознинг теримчиси.

Колхозда илгорлар тажрибасини тўлди, бироқ ҳосилимизнинг анчагинаси ҳали далада, бу ўзимизнинг бойлигимиз, ерда қолиб кетмасин», деган шиорни байроқ қилиб, план тўлмаган кунлардагидан ҳам яхшироқ ишламоқда эдилар. Ҳар гектар ердан ҳозиргача 36 центнердан пахта топширган Султонбой Мирзаалиев, гектаридан 39 центнердан пахта йиғиб олган Болтабой Абдурайимов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари яна ҳар гектар ердан 8-10 центнердан пахта йиғиб оламиз, деб ҳаракат қилмоқдалар. Шу кунгача 8-9 тоннадан пахта терган чевар қизлар — Турди Раҳматуллаева, Мақсуда Мирхўжаева, Шарифа Балнанбоева, Жайсан Уролова, Ибогул Турғунбоева, Райҳон Аденовалар байрамгача яна 2-3 тонна пахта терамиз, деб олдингидан ҳам яхшироқ меҳнат қилаётирлар. Бўронбой Тожиддинов, Йўлдошбой Устапердиев, Исоқул Усмонов сингари шоферлар, Саттор Қодиров каби илдам аравакашлар тоғ дала томон, тоғ пункт томон ғизиллаганларини ўз кўзим билан кўрдим. Колхоз пахтасини шу Свердлов номли колхоз территориясига жойлашган қабул пунктига топширади. Юқори Чирчиқ районини билан Ўртасарой қишлоғини боғловчи катта йўлдан эртадан-кечгача машина ва аравалар қатнови тинмайди. Бу йўл ўтган йилларда ўйдим-чуқур эди. Андреев номли колхоз правлениеси шу йўлни тузатишга киришди, анча ергача қалин қилиб шағал тўкиб келиниптн. Кўча Свердлов номли колхоз территориясигача анча текис бўлиб қолипти.

Андреев номли колхоз Юқори Чирчиқдаги йирик ва юқори ҳосилли колхозлардан ҳисобланади, 730 гектар пахта майдонига эга. Бу колхознинг ўтган икки йилги иши билан танишсангиз, ҳосил тобора ошаётганлигини кўрасиз. 1954 йилда гектаридан 28 центнердан пахта олинган эди, 1955 йилда бу миқдор 30,86 центнерга етказилди. Бу йилги мақсад — ҳар гектар ердан пландаги 29 центнер ўрнига 31,7 центнердан ҳосил йиғиб олиш. Ҳосилнинг бу зайлда оширилаётганлигининг «сири» қаерда? Деҳқончиликда ишнинг сири йўқ, ҳаммаси меҳнатга, ҳаракатга боғлиқ. Бу фикрни колхоз раиси Инсофали Талаббоев ҳам тасдиқлади.

— Ерни яхши ишламай туриб, ҳосилни оширамиз деб ўйламай қўяқолинг, — дейди у. — Биз ҳар қандай шароитда ҳам олти далали алмашлаб экиш қоидасига амал қилиб келяпмиз. Бирор йил ҳам алмашлаб экишни бузганимиз йўқ. Ахир, ерни тўйдирмай туриб, фалон центнердан пахта бераман деган ғап, беҳуда ғап, баҳорда ғўза текис бўлиб кўринаверади-ю, ҳосил тарозига тушганда ернинг ориқлиги билинib қолади. Колхозимизда алмашлаб экиш билан бирга, ер экиндан бўшаши билан уни боқувга қўямиз...

Раис «ерни боқувга қўямиз», деди. Биз бунга ажабландик.

— Ерни боқувга қўямиз деганимнинг боиси, — давом этди у,— шудгордан олдин топганимизни ерга солиш. Қишлоқ хонадонларида борми, чорва фермамизда борми — ишқилиб, кучимиз етганча маҳаллий ўғит тўплаймиз, уни шудгорлашдан олдин ерга соламиз. Бундан ташқари, ҳар йили ҳам ерларимиз фосфор билан ўғитланади. Биз фосфорни илгаригидай қўл билан эмас, самолёт билан сепамиз. Ерга бир текис тушган фосфор шудгор вақтида тупроққа аралашиб, қиш ичи ерга ем бўлади..

Раиснинг айтган гаплари қуруқ ғап бўлмай, амалда исботланаётган факт экан. Мана буйга мисоллар. Илгари, «Опитний» колхозига аввал «Октябрь XIII йиллиги» колхози қўшилди. 1952 йилда Андреев номли, «Қизил ту» колхози бирлашди. Бу колхозлар «Опитний» колхозига қўшилгунча пахта ҳосили етиштириш жиҳатидан анча пастда турар эдилар. «Опитний» колхозида орттирилган тажриба бу колхозлар ерида ҳам амалга оширилди.

Андреев номли колхозда бу йил ҳосил айниқса мўл бўлди. Биз колхоз пахта тайёрлаш планини бажарган куни бориб қолган эканмиз, бундай пайтда баъзи бир колхозларда: «мана, энди қойил қилиб қўйдик», деб иш бўшаштириб юборилади, лекин Андреев номли колхознинг каттадан-кичиги «план

Соғлиқни сақлаш ходимлари активининг Бутуниттифоқ кенгаши

23 октябрда Катта Кремль саройида соғлиқни сақлаш ходимлари активининг Бутуниттифоқ кенгаши очилди. Кенгашда СССР Соғлиқни сақлаш министри Ўртоқ **М. Д. Ковригина** ахолига медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида доклад қилди.

23 октябрда, соғлиқни сақлаш ходимлари активи Бутуниттифоқ кенгашининг кечқурунги мажлисида, СССР Соғлиқни сақлаш министри М. Д. Ковригинанинг доклади муҳокама қилина бошланди.

Муҳокамада Олтой ўлка соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири **А. П. Бурданова**, РСФСР Соғлиқни сақлаш министри **С. В. Курашов**, Қозоғистон ССР Соғлиқни сақлаш министри **С. Р. Қсринбоев**, Медицина фанлари академияси президенти профессор **А. Н. Бакулев**, Ворошиловград область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири **Н. А. Иванов**, КПСС Борисов (Белоруссия ССР) шаҳар комитетининг секретари **А. Ю. Денисевич**, Житомир область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири **Г. П. Михайличенко** сўзладилар.

* * *

24 октябрдаги мажлисда сўзга чиққан Латвия ССР Соғлиқни сақлаш министри **А. А. Краусс** Коммунистик партия ва Совет ҳукумати соғлиқни сақлаш ишларини ривожлантириш тўғрисида нақадар катта гамхўрлик қилаётганлигини ёрқин мисолларда кўрсатиб берди. 1955 йилда соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари учун республика бюджетининг 18 процентдан кўпроғи сарф қилинди. Буржуа Латвиясида эса ҳатто энг яхши йилларда ҳам бюджетнинг 1,8 процентдан камроғи ажратилар эди. Республикада касалхоналар шохобчаси ўринлар миқдори бўйича урушдан илгариги 1940 йилга нисбатан деярли икки марта кўпайди.

Москва область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири **П. Г. Демидов** ҳам илгариги нотиқ сингари партия ва ҳукуматнинг халқ соғлиғи ҳақида кўрсатаётган катта гамхўрлигини таъкидлаб пойтахт области мисолида ана шу гамхўрликни кўрсатиб берди. Москва областида уч ярим минг медицина ва болалар муассасалари бор. Соғлиқни сақлаш эҳтиёжларига ажратилган маблағ 1940 йилдагига нисбатан тўрт марта кўпроқ ўсди. Фақат шу йилнинг ўзидаёқ Москва атрофидаги шаҳар ва қишлоқларда 120 янги касалхона, амбулатория ва ясли қурилмоқда. Даволаш ва профилактика ишларининг сифати яхшиланди.

М. Д. Ковригина докладини муҳокама қилишда Грузия ССР соғлиқни сақлаш министри **Д. Г. Мамамтавришвили**, Карпов номидаги химия-фармацевтика заводининг директори **Н. А. Майоров** (Москва), Бехтерев номидаги Психоневрология илмий-текшириш институтининг директори **В. Н. Мясищев** (Ленинград), Қарағанда область ижроия комитети раисининг ўринбосари **З. Минжасарова**, Чувашистон АССР Соғлиқни сақлаш министри **В. Г. Ефимова**, Житомир область касалхонасининг бош врачи **А. Ф. Гербачевский**, Қирғизистон ССР Соғлиқни сақлаш министри **Ю. Е. Данилов**, СССР Медицина Фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси **И. В. Давидовский**, йўллар министрлиги санитария бош бошқармасининг бошлиғи **А. А. Сергеев** ҳам қатнашди.

Кенгаш ўз ишини давом эттирмоқда. (ТАСС).

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИНИНГ ИШГА БОШЛАГАНИГА ЎН ЙИЛ ТЎЛДИ

26 октябрда В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг фойдаланишга топширилган кунга ўн йил тўлади.

Улуғ Ватан уруши йилларида қурилган, Ўрта Осиёда қораметаллургиянинг тўнғич корхонаси бўлган бу завод ҳозирги вақтда пўлат ва прокат ишлаб чиқарувчи катта корхонага айланди.

Завод коллективи мамлакат металлургларининг қардошларча ёрдами туфайли қисқа вақт ичида корхонанинг проект қувватини ўзлаштиришга муваффақ бўлди. 1950 йилда проект қуввати ошириб юборилди, ўтган беш йилликнинг охирида эса бу қувватдан икки ҳисса ўзиб кетилди. Бешинчи беш йиллик ичида пўлат эритишнинг ўртача давом этиши бир соату қирқ минутга қисқартирилди, эритилган пўлатнинг оғирлиги эса ўн уч тоннага кўпайтирилди. Товар прокати чиқариш учун металл сарфлаш саксон уч килограмм камайтирилди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон металлургги асосий техника-иқтисодий иш кўрсаткичлари юзасидан — печнинг бир квадрат метридан олинадиган пўлатнинг миқдори ва печь қизитилган соатларда прокат ишлаб чиқариш миқдори юзасидан мамлакатдаги илғор корхоналар эришган даражага етдилар.

Ўзбекистон металлурглари завод юбилейини меҳнат соҳасида ажойиб ютуқларга эришиш билан нишонлямоқдалар. Донгдор пўлат эритувчи Ўртоқ Мирзаматов навбатдаги эритманинг оғирлигини пландагига нисбатан олти тонна ошириб, эритмани графикда кўрсатилганидан бир соат илгари берди. Мастер Ўртоқ Мадаминов сменаси ва вальцовкачилардан Капустин ва Кучеров ўртоқлар шу кунлардан бирида топшириқни 230 процент бажариб, завод ишлай бошлаган вақтдан буён энг юксак меҳнат унумига эришдилар.

Корхона коллективи йил бошидан буён мамлакатга пландан ташқари беш минг тоннадан ортиқ сортли металл берди. Кейинги ойларда орқада қолиб келаётган мартен цехи ўз ишини кескин даражада яхшилади. Бу цехда октябрь ойида топшириқда кўрсатилганидан 500 тонна кўп пўлат эритилди.

Ўзбекистон металлурглари Улуғ Октябрнинг 39 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, ишлаб чиқариш суръатини тўхтовсиз оширмоқдалар. (ЎзТАГ).

ВЕНГРИЯ МЕҲНАТКАШЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

БУДАПЕШТ, 24 октябрь. (ТАСС). Бугун кечаси Венгрия меҳнаткашлар партияси Марказий комитетининг шошилинч мажлиси бўлди. Марказий комитетнинг раҳбарлиги қайтадан сайланди. Ўртоқ Эрне Гере яна Марказий комитетнинг биринчи секретари қилиб сайланди. Ўртоқ Эрне Гере илгари ҳам шу лавозимда ишлаган эди.

Сиёсий бюро Ўртоқ Имре Надьни Министрлар советининг раиси лавозимига ва Ўртоқ Андраш Хегедюшни раиснинг биринчи ўринбосари лавозимига тайинлашни республика президиумига тавсия этди.

РУМИНИЯ ҲУКУМАТИ ВА РИП ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЮГОСЛАВИЯДА БЎЛИШИ

БЕЛГРАД, 24 октябрь. (ТАСС). Югославия матбуотининг билдиришига қараганда, кеча туннан кейин Белградда Югославия ва Руминия делегациялари ўртасидаги музокаралар давом этган.

Руминия делегациясининг бошлиғи Г. Георгиу-Деж кеча ЮФХР президенти Иосип Броз Тито шарафига зиёфат берди. Руминия Халқ Республикасининг элчиси кечқурун Югославияга келган Руминия делегацияси шарафига қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида Югославия раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, Белграддаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, Югославия ва чет эл журналистлари ҳозир бўлдилар.

Ўтган кечаси Руминия делегацияси Белграддан жўнаб кетди.

Делегация Хорватия ва Словенияда икки кун бўлиб, Брионига боради. Бу ерда Югославия-Руминия музокаралари давом эттирилади.

У НУ ПЕКИНГА КЕЛДИ

ПЕКИН, 24 октябрь. (ТАСС). ХХР Давлат кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лайнинг таклифига мувофиқ, Бирма Иттифоқининг собиқ бош министри, халқ озодлиги антифашист иттифоқининг раиси У Ну бугун Пекинга келди. Аэродромда У Нуни бош министр Чжоу Энь-лай ва бошқа давлат арбоблари, пойтахт жамоатчилигининг вакиллари, дипломатия корпусининг аъзолари кутиб олдилар.

У Ну аэродромда қилган баёнотида ҳар иккала мамлакатни қизиқтираётган бир қанча проблемаларни муҳокама қилиш ва ҳар иккала мамлакатга доир масалалар юзасидан фикр олишиш учун Пекинга қилган шу сафаридан фойдаланиш ниятида эканлигини айтди.

СУРИЯ, МИСР ВА ИОРДАНИЯ ҲАРБИЙ ВАКИЛЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

БАЙРУТ, 24 октябрь. (ТАСС). Газеталарнинг билдиришига қараганда, Миср қуролли кучлари бош қўмондони генерал Абдул Ҳаким Амир ва Сурия армияси бош штабининг бошлиғи Тавфиқ Низомитдин кеча Уммонга келган.

Уммонда Миср, Сурия ва Иордания ҳарбий вакилларининг кенгаши бўлади.

Ўртоқ В. Гомулка Варшавада ўтказилган митингда нутқ сўзлади

ВАРШАВА, 24 октябрь. (ТАСС). Бугун Варшавадаги Маданият ва фан саройи олдида Варшава меҳнаткашларининг кўп минг кишилик митинги бўлди. Партия ва ҳукуматнинг раҳбарлари минбарда пайдо бўлганларида ҳамма уларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олди. Ўртоқ В. Гомулка нутқ сўзлади. Ўртоқ В. Гомулка ПБИП Марказий комитетининг VIII пленуми Польшада социалистик қурилиш тарихида янги давр очганлигини таъкидлаб, кенг омманинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини мумкин қадар тўлароқ қондириш учун меҳнаткашларни халқ Польшасининг социалистик экономикасини яхшилаш ишида партия ва ҳукуматга ёрдам беришга, ишлаб чиқариш ташаббусини авж олдиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга, исрофгарчилик билан курашишга, ишлаб чиқаришнинг таннархини камайтиришга, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришдаги барча имкониятлардан фойдаланишга чақирди. Ўртоқ Гомулка демократлаштириш ва ўтмиш давридаги хаталарни йўқотиш йўлидан изчиллик билан боришга чақирди.

Гомулка сўзини давом эттириб бундай деди: Партия Марказий комитетининг VIII пленуми Польша ишчилар синфи ва Польша халқининг эҳтиёжларини кўзда тутиб, социалистик қурилишнинг тўғри йўлини белгилаб, халқ Польшасининг барча социалистик давлатлар билан маҳкам алоқада бўлиши зарур эканлигини алоҳида таъкидлади ва Польша-Совет иттифоқини мустаҳкамлаш зарурлигини алоҳида уқтириб ўтди.

Биз, деди нотиқ, шунга чуқур аминмизки, Польша билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик партия ва ҳукуматнинг расмий сиёсатдангина эмас, балки халқнинг чин қалбидан чиққан чинакам қардошларча дўстлик бўлади. **(«Ура» садолари ва гулдурос қарсаклар).**

Биз оғзларни ишонтириб айта оламизки, бу принциплар тобора равшан тушунилмоқда ва бизнинг партиямиз ҳам, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ҳам бу принципларга қўшилмоқда.

Ўртоқ Гомулка реакцион кучлар ва халққа қарши кучларнинг антисовет агитация юргузиш йўлидаги ҳар қандай уринишларига, ҳар иккала қардош халқ ўртасидаги иттифоқни заифлаштирмоқчи бўлган халқаро реакциянинг ҳар қандай найрангларига зарба беришга чақирди.

Ўртоқ Гомулка халқнинг ПБИП Марказий комитети VIII пленумида сайланган партия раҳбарлигига кўрсатган ишончи учун ташаккур билдириб, ҳушёр бўлишга чақирди, социализмга душман бўлган кучларга қарши, Польша-Совет иттифоқининг душманларига қарши, халқ ҳокимиятининг душманларига қарши кураш олиб боришга даъват этди.

Бугун, деди Гомулка, биз Варшавадаги ва бутун мамлакатдаги меҳнаткашларга мурожаат қилиб, уларни шунга даъват этамиз: Митингбозлик етар энди! Намойишбозлик етар энди! Ишонч ва онгли равишда амалий ишга киришиш пайти келди. Ишчилар синфи ва халқ билан жипслашган партия Польшани социализм сари янги йўлдан олиб боради.

Будапештда халққа қарши авантюра барбод этилди

БУДАПЕШТ, 24 октябрь. (ТАСС). Кеча кечқурун яширин реакцион ташкилотлар Будапештда халқ ҳокимиятига қарши контрреволюцион исён қўтардилар. Душманларнинг ана шу авантюраси узоқ вақт мобайнида тайёрланиб келган.

Душман элементлар кеча студентларнинг пойтахтда ўтказилган намойишидан ўзлари олдиндан тайёрлаб қўйган ва исённинг ядросини ташкил этган группаларни шаҳар кўчаларига чиқариш учун бир баҳона сифатида фойдаландилар. Улар агитаторларни ишга солдилар. Бу агитаторлар халқ орасида пароканда-лик тўғдириб, оммавий тартибсизлик вужудга келтиришга ҳаракат қилдилар.

Бир қанча давлат ва жамоат муассасалари ҳамда корхоналарга ҳужум қилинди. Қутирган фашист безорилар магазинларни талаб, турар жойлар ва муассасаларнинг деразаларини синдира бошладилар, саноат корхоналарининг машина-ускуналарини бузишга уриндилар. Исёнчиларнинг қурол-яроғни қўлга киргизган отрядлари бир қанча жойларда қон тўкилишига сабаб бўлдилар.

Революцион тартиб кучлари исёнчиларга зарба бера бошладилар. Янги тайинланган Министрлар Совети Раиси Имре Надьнинг фармойишига мувофиқ, шаҳарда қамал ҳолати эълон қилинди.

Венгрия Халқ Республикаси ҳукумати ёрдам беришни сўраб, СССР ҳукуматига мурожаат қилди.

Ана шу илтимосга биноан, Варшава шартномасига мувофиқ, Венгрияда бўлган совет ҳарбий қисмлари Будапештда тартибни тиклашда Венгрия Республикасининг қўшинларига ёрдам бердилар. Кўпгина саноат корхоналарида ишчилар машина-ускуналарга шикаст етказиш ва уларни йўқ қилишга уринган бандитларга қуролли қаршилик кўрсатдилар ва қуролли соқчилар қўйдилар.

Бугун кечга томон душманлар авантюраси тугатилди. Будапештда тартиб тикланди. Министрлар Советининг раиси Имре Надь бугун радио орқали сўзлаб, бутун халқни осойишталик ва тартиб сақлашга чақирди.

Контрреволюционерларнинг Дебреценда ва бошқа бир қанча шаҳарларда ўзларига тарафдорлар топиш йўлидаги уринишлари муваффақиятсиз тамом бўлди.

Венгрия меҳнаткашлар партияси Марказий комитети ва ҳукумат мамлакатнинг ҳамма қисмидан телеграммалар олмоқда. Венгрия меҳнаткашлари бу телеграммаларида контрреволюционерларнинг жиноий ҳаракатларидан қаттиқ ғазабланганликларини билдирадилар ва халқ демократик тузумини душманларнинг ҳар қандай қасдларидан сабот билан ҳимоя қилишга ва Совет Иттифоқи билан ҳамда барча социалистик мамлакатлар билан дўстликни мустаҳкамлашга тайёрмиз деб партия ва ҳукуматни ишонтирмоқда.

„Совет Иттифоқига қилган сафарим қимматли ва фойдали бўлди“

Ҳиндистон министри К. Ч. Редди Москвадан жўнаб кетди

СССР Кўмир саноати министрлигининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлган Ҳиндистон ишлаб чиқариш министри К. Ч. Редди 24 октябрда эрталаб рафиқаси билан бирга самолётда Москвадан Берлинга учиб кетди.

Редди Совет Иттифоқида қарийб икки ҳафта бўлиб, бир қанча саноат марказларига борди, индустриянинг турли соҳаларидаги раҳбар ходимлар билан учрашди, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян томонидан қабул қилинди.

Ҳиндистон министри совет пойтахтида Кремлни, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик ва саноат виставкаларини, оптика шишаси заводини бориб кўрди, Москва областидаги сабзавотчилик ва чорвачилик колхозларига саёҳат қилди.

Ҳиндистонли меҳмонлар уч кун мобайнида Ленинграддаги энг йирик корхоналарнинг ишлари билан танишди.

К. Ч. Редди Донбассда бўлган вақтида «Пролетарская глубока»я» шахтасига тушиб, кўмир қазиб чиқаришнинг янги методлари билан танишди.

Ҳиндистон министри москвиликлар билан хайрлашар экан, Внукова аэродромида қуйидаги гапларни айтди:

— Мен СССРда қисқа вақт бўлиб, Москвадан жўнаб кетаётганлигимдан жуда афсусланаман. Мен бу ерда узоқроқ вақт бўлганимдан жуда хурсанд бўлур эдим. СССРда менга нисбатан кўрсатилган самимий меҳмондўстлик менга чуқур таъсир қилди. Мен совет кишиларининг Ҳиндистон халқи ва ҳукуматига нисбатан изҳор қилган самимий тилаклари ва табрикларини ўзим билан бирга олиб кетмоқдаман. СССРга қилган визитим ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш ишига бир мунча ҳисса қўшади деб умид қиламан. Мен Совет Иттифоқига қилган сафарим қимматли ва фойдали бўлди деган тўйғу билан жўнаб кетмоқдаман.

К. Ч. Реддини СССР кўмир саноати министри А. Н. Задемидко, иқтисодий алоқа ишлари бош бошқармасининг бошлиғи К. И. Коваль, СССР Ташқи ишлар министрлиги Шарқи Жанубий Осиё бўлимининг мудири Б. М. Волков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси К. П. Ш. Менон ва унинг рафиқаси ҳамда Ҳиндистонинг Москвадаги элчихонасининг маслаҳатчиси П. Ратнам ҳам бор эди. (ТАСС).

ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ СЕЙМИНИНГ СЕССИЯСИ

ВАРШАВА, 25 октябрь. (ТАСС). Польша Халқ Республикаси сеймининг кеча кечқурун тамом бўлган мажлисида сейм сайловлари тўғрисида комиссия томонидан тақдим этилган низом проектини муҳокама қилиш тугади. Сессия сайловлар тўғрисидаги низомни тасдиқлади.

Шундан кейин сессия Польша Халқ Республикаси Министрлар совети составида Министрлар совети раиси Ю. Циранкевич томонидан тақдим этилган ўзгаришларни тасдиқлади.

Сессия Т. Гедэни, С. Андриховскийни (уни иқтисодий планлаштириш давлат комиссиясининг раиси лавозимида қолдирган ҳолда), С. Лапотни, Е. Ставинскийни (уни енгил саноат министри лавозимида қолдирган ҳолда), Ф. Ўжвякни Министрлар совети раисининг ўринбосарлари лавозимидан чақириб олди.

Сессия Х. Минцни ва З. Новакни Министрлар совети раисининг биринчи ўринбосарлари лавозимидан чақириб олди. Сессия С. Игнарни ва З. Новакни Польша Халқ Республикаси Министрлар совети раисининг ўринбосарлари қилиб тасдиқлади.

Р. Замбровский Польша бирлашган ишчи партияси Марказий комитетининг секретари қилиб сайланганлиги сабабли у давлат контроль министри лавозимидан чақириб олинди.

Сессия ўз ишида танаффус эълон қилди. Польша халқ хўжалигининг 1956-60 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани тўғрисидаги қонун проектини муҳокама қилаётган сейм комиссиялари ана шу танаффус вақтида ишлайди.

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ УНБИР ЙИЛЛИГИ

Москва интеллигенцияси, ишчи ва хизматчилари вакилларининг йиғилиши

24 октябрда мамлакатимиз ва бутун дунё жамоатчилиги Бирлашган Миллатларнинг ҳалқаро кунини нишонлади.

Москвада Политехника музейининг катта залида 24 октябрь куни пойтахтдаги совет интеллигенцияси, ишчилар ва хизматчилар вакилларининг кўп киши қатнашган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ёрдам берувчи уюшма ва сиёсий ҳамда илмий билимлар тарқатувчи Бутуниттифоқи жамияти правлениеси чақирди. Йиғилишда БМТ секретариати ахборот департаментининг вакили Вильям Хенсон ҳам ҳозир бўлди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ёрдам берувчи Уюшма марказий правлениесининг раиси академик А. М. Панкратова Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 11 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Докладдан кейин СССР халқ артисти Б. П. Чирков, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Е. А. Коровин ва бошқалар сўзладилар. (ТАСС).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/X да янги спектакль **Аломат ҳодиса**, 27/X да **Бир шахснинг масаласи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/X да **Кўнгил куйлари**, 27/X да **Зафар.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Бугун 3 бўлимда катта цирк томошалари. **А. Г. Сокол** раҳбарлигида аттракцион — **«Муъжизасиз муъжизалар».** Томоша кеч соат 8 да бошланади.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун янги ҳинд бадиий фильми **Жаноб 420.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 2 да: 1) янги рангли хроникал-ҳужжатли фильм **Эрон шоҳаншоҳи Совет Иттифоқида,** 2) **Ленинград эстрада ва театр артистларнинг концерти,** кундуз соат 4 дан **Жаноб 420.**

«ХИВА» — **Жаноб 420.**

КИНО

„Қутлуғ қон“ экранда

Отоқли сўз санъаткори Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи ўзининг ғоявий мундарижаси ва бадиий қиммати эътибори билан совет китобхонлари ва томошабинларининг энг севимли асарига айланди. Ёш кинемотограф Латиф Файзиев томонидан шу роман асосида «Қутлуғ қон» киносценарийси ва фильмининг яратилиши ўзбек кинемотографиясини янги қимматли асар билан бойитди.

Фильм негизида асосий бир идея— ҳақиқат билан ҳақсизлик, адолат билан золимлик, мардлик билан ўғрлик, умуман, эксплуататорлар билан эксплуатация қилинувчилар ўртасидаги муросасиз кураш ётади. Фильмдаги барча воқиалар, эпизодлар мана шу муҳим идеяни бадиий ифодалашга бўйсундирилган.

«Қутлуғ қон» кинофильмининг бошланишида ва тугалланишида асар идеясини ўзида характерловчи пейзаж берилган; томошабинлар кўз ўнгида узоқ ва бепоён йўл манзараси гавдаланади. Бу йўл — озодлик учун кураш йўлидир! Ўз озодлиги учун чор мустамлакачиларига ва маҳаллий эксплуататорларга қарши аёвсиз кураш олиб борган ўзбек халқининг кураши мана шу йўл— озодлик йўли символида тасвирлаб берилади.

Сценарист ва постановкачи романдаги асосий мотивларни тўлиқ сақлаган ҳолда, баъзи эпизодларни кенгроқ ривожлантиришга, бу билан асарда олдинга сурилган идеяни чуқурроқ ифодалашга ҳаракат қилади. Бу жиҳатдан Шоқосим оиласининг фожиасини ўзида акс эттирувчи эпизодлар ғоят характерлидир. Миллий ва социал зулмнинг авж олиши, биринчи жаҳон империалистик урушининг кескинлашиб бориши натижасида халқ оммаси турмушининг ёмон аҳволга тушиб қолиши — Шоқосим оиласи бошига тушган беҳад жабр-жафо, азоб-уқубатни ҳаққоний ифодалаш орқали яққол очилади.

Талантли артист Наби Раҳимов фильмда ўз қаҳрамони характеридаги жуда кўп мураккаб ҳолатларни ёрқин кўрсатиб бера олган. Ғам-ғурбатдан, очлик туфайли бевақт ўлган хотини ва ишсизлик фожиасидан талвасага тушган, букчайиб қолган, бутун вужудини дард-алам қоплаган Шоқосимнинг аянчли руҳий ҳолати моҳир санъаткор — Ўзбекистон халқ артисти Наби Раҳимовнинг ўринли хатти-ҳаракатлари, мимикаси орқали экранда реал ва таъсирли намойиш қилинади.

Меҳнаткашлар оммасининг эрксизлиги, инсоний ҳуқуқлардан тамомила маҳрум эканлиги фильмдаги бир қанча эпизодларда анча дурус очиб берилган. Бу ўринда Мирзакаримбой қўл остидаги корандалар ва хизматкорларнинг Шоқосимнинг бегуноҳ ишдан ҳайдалиши муносабати билан иш ташлашлари, бой ва бойваччаларнинг уларга муносабати картинасини, тюрьмадаги адолатсизлик ва тартибсизликдан норозилик билдириб, маҳбусларнинг очлик эълон қилиш лавҳаларини қайд қилиш мумкин.

Фильмдаги муваффақиятлар қаторига халқ оммасидаги революцион кайфиятнинг кучайишига социал ҳаёт кўрсатган кучли таъсирнинг кўп томондан ҳаққоний ифодаланишини ҳам киритиш лозим. Жумабой (Убай Бурҳонов) рус ишчиси, революционер Петров (Республика халқ артисти И. Шкволов) таъсири остида ғоявий-сиёсий жиҳатдан ўсиб боради; ўзбек халқининг фожиали турмуши, озодлик учун олиб борган кураши унга Петров кўрсатаётган йўлнинг тўғри эканини тобора чуқурроқ англашга ёрдам беради. У ўзбек меҳнаткашларининг синфий кураш соҳасида олиб борган ишларига бошчилик қилувчи, Йўлчи сингари хизматкорларга ҳақиқий йўл кўрсатувчи раҳбар даражасига кўтарила боради. Убай Бурҳонов мана шу муҳим моментларни дуруст очиб бераолган.

Ўзбек халқи билан рус халқи ўртасидаги дўстона муносабатни очиб бериш нуқтаи назаридан большевик Петровнинг ўзбек халқининг Жумабой, Йўлчи сингари фарзандларига кўрсатган огаларча ёрдами ва гамхўрлиги алоҳида диққатга сазовордир. Ўрта Осиё шароитида революцион ҳаракатларга тўғри раҳбарлик қилган революционер образи артист И. Шкволов ижросида ишонарли чиққан.

Революцион ҳаракат йўлбошчилари образини кўрсатишда постановкачи юқорида қайд этилган муваффақиятларга эриша олган бўлса ҳам, омма у Петров ва Жумабойнинг истибдодга қарши олиб борган ишларини фильмнинг баъзи ўринларида чуқур очиб бера олмаган. Вагон-ремонт заводи ва ундаги Петров фаолиятига оид бўлган воқиалар асарнинг мағизмағизига сингиб кетмаган. Бизнинг фикримизча, вагон-ремонт заводи ишчилари билан ўзбек меҳнаткашлари ўртасидаги муносабатни маълум даражада ривожлантириш, рус революционерлари, шу жумладан Петровнинг ўзбек халқига кўрсатган сиёсий-ғоявий таъсирини конкретлаштириш лозим эди.

Фильмда Йўлчи — С. Девонов, Гулнор — Р. Мадраҳимова образларини талқин этишда ҳам постановкачининг янгиликка интилиши сезилиб туради. Йўлчи тоғаси уйидаги ҳаётининг дастлабки даврида қариндош-уруғлик андишаси билан яшайди. У бева-бечораларга, оч-ялонғочларга ачинса ҳам, бу ишда тоғаси Мирзакаримбойни айбдор деб ҳисобламайди, балки уни раҳмдилликка чақирмоқчи бўлади. Ҳаёт, синфий кураш унинг кўзини очади. Бу ҳол Шоқосимнинг хотини ўлимидан сўнг кескин тус олади, Мирзакаримбойнинг Гулнорни Йўлчи севишини билатуриб, унга уйланиши муносабати билан янада ривожланади. Ёш артист С. Девоновнинг маъноли хаттиҳаракатларида, ўз қаҳрамони руҳий ҳолатига чуқур кириб боришида буни яққол кўриш мумкин. Р. Мадраҳимовнинг ижросида Гулнор образида мавжуд бўлган бир қанча ижобий фазилатлар яхши очиб берилган.

Қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини таъсирли беришда мардикорларга овқат улашиш пайтида Ёрмат, Гулнор ва Йўлчининг учрашув саҳнаси алоҳида тақдирга сазовордир. Фильмда мана шунақа моментларни янада кўпайтиришга аҳамият бериш лозим эди.

«Қутлуғ қон» кинофильмидаги Салимбойвачча томонидан Гулнорга қилинган суиқасднинг натижаси романдагига нисбатан бошқачароқ ҳал қилинади. Романда Гулнор заҳарланиб ўлса, фильмда эса Йўлчининг сингласи Унсин заҳарланади. Бу ҳодиса айрим кишиларни тааччублантириши ва уларда постановкачининг бу ишига нисбатан эътироз уйғотиши мумкин. Аммо шуни айтиш керакки, Л. Файзиев бу иши билан Ҳамза Ҳакимзоданинг «Бой ила хизматчи», Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» номли асарларидаги қаҳрамон аёлларнинг «заҳарланиш» приёмини бир хилликдан қутқаришга ҳаракат қилган. Бу масаланинг ижобий томони бўлса, салбий томони шундаки, Ёрматнинг Салимбойваччани ўлдиришини асословчи сабаблар етарли очилмай қолган.

Кези келганда шуни ҳам кўрсатиш лозимки, романдаги Ёрмат томонидан Гулнорнинг ўлиги устида айтиладиган ва қаҳрамоннинг ички қиёфасини тўлиқ очиб берадиган машҳур монолог постановкачининг эътиборидан четда қолган. Бундан ташқари, Мирзакаримбойнинг пул ва ер ҳақидаги характерли фикрлари, Йўлчининг ўз тоғасига айтган, унга нисбатан чуқур нафратини ўзида ифодасини топмаган.

Фильмда Мирзакаримбойдаги манфаатпарастлик, бировларнинг бахтига ғов бўлиш, ҳарқандай ёмонликларни қилишга тайёр туриш каби ўзига хос характерни В. Азимов томошабинлар кўз ўнгида жонли, ишонарли ифода этган. Мирзакаримбойнинг иш ташловчилар олдида ўзини тутиши, Гулнорни кўриб қолгач, унга нисбатан муносабати бу жиҳатдан характерлидир. Экранда Мирзакаримбойнинг реакцион фаолиятини романдагига нисбатан ҳам янада кенгроқ кўрсатиш мумкин эди; ваҳоланки, бу масала фильмда романдагига қараганда анча юзаки кўрсатилган.

Ўзбек миллий буржуазиясининг синфий характери, маънавий қиёфаси Ҳакимбойвачча ролини ижро этган талантли артист Олим Хўжаев томонидан ижтимоий-сиёсий ҳаётга боғлиқ ҳолда ҳаққоний кўрсатилган. Унинг характерида гегемонликни ўз қўлига олиш учун интилувчи янги буржуа жамияти аъзосининг ҳулқиатвори, орзу-умиди яққол кўзга ташланади.

Биринчи марта экранга чиққан Клара Маҳкамова кино санъати соҳасида ҳали маълум тажрибага эга бўлмаслигига қарамай, Нури образини яратиш йўлида масалага ижодий муносабатда бўлган. Бой қизининг индивидуал хусусиятларини очиб беришда жиддий муваффақият қозона олган.

«Қутлуғ қон» фильмида йўл қўйилган жиддий нуқсонлардан бири шундан иборатки, халқ оммасини эксплуатация қилишда маҳаллий амалдорлар билан чор чиновниклари ўртасидаги ҳамкорлик очиб берилмаган. Чор чиновники сифатида асарга киритилган персонаж юқорида кўрсатилган масаланинг моҳиятини очишга ҳеч қандай ижобий ҳисса қўша олмаган.

Бизнинг фикримизча, фильмдаги халқ қўзғолони картинасини анча кенгроқ ва ёрқинроқ кўрсатиш керак эди. Шуниси тааччубланарлики, халқ норозилик билдириб, қўзғолон кўтаради. Бу ишдан на генерал-губернатор, на маҳаллий амалдорлар, на руҳонийлар ташвишга тушади; уларнинг қўзғолонга муносабатини кўрсатиш постановкачи томонидан тамоман унутиб қўйилган.

Сценарист романни экранлаштираётганда ундаги бир қанча муҳим эпизодларни фильмга киритмаган. Масалан, Мирзакаримбойнинг оилавий ҳаёти мутлақо кўрсатилмайди ва бошқалар.

Фильмни суратга олишда оператор А. Панн анча хизмат қилган; шунга қарамай, фильмда суратга хира олинган манзаралар, портретлар тез-тез учраб туради.

Рассом В. Синиченко фильмда Тошкент шаҳрининг эски қиёфасини аниқ кўрсатиш учун мақсадга мувофиқ жой танлай олмаган. Томошабин кўз ўнгида намоён бўладиган бўғоти йўқ иморатлар, катта-катта бинолар, миноралар экранда Самарқанд шаҳри кўрсатилаётганлигини тўлиқ исботлаб туради. Бизнинг фикримизча, рассом эски Тошкентни экранда тўғри кўрсатиш учун кенг имкониятларга эга эди.

Яна шуни ҳам қайд қилиш лозимки, фильмда ўзбек халқининг бой музикасига ва балетига етарли ўрин берилмаган.

Хулоса қилиб айтганда, Ойбек романи асосида яратилган «Қутлуғ қон» кинофильми сўнгги вақтда ўзбек совет кинематографияси қўлга киритган муваффақиятларнинг биридир.

Тошкент бадиий ва хроникал фильмлар киностудияси ўзининг бундан кейинги иш фаолиятида жамоатчиликнинг кенг фикрига асосланиб иш олиб борса ва ўз адресига айтилган танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб олса, ижодий ишда бундан ҳам катта ютуқларга эриша олади.

Турсун СОБИРОВ,
филология фанлари кандидати.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА

1956/57 йил

МАВСУМИ ОЧИЛАДИ

27/X да — **Ўзбекистон санъат усталари концерти.**

28/X да — кундуз **Шўр-али**, кечқурун **Фра Дьяволо.**

30/X да — **Тоҳир ва Зуҳра.**

31/X да — **Боқчасарой фонтани.**

1/XI да — **Ўзбекистон санъат усталари концерти.**

2/XI да — **Травиата.**

3/XI да — **Марварид қидирувчилар.**

4/XI да — кундуз **Қизил гул** («Аленький цветочек»), кечқурун **Трубадур.**

Кундузги спектакллар соат 12 да, кечки спектакллар соат 8 да бошланади.

Билетлр сотилмоқда.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими—132, Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими — 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 08458 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётинин